




New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIOVIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

3 (65) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

3 (65)

2024

март

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 615.371/372-616.9

ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ОЛДИНИ ОЛИШДА ЭМЛАШ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Ибрагимова Э.Ф. <https://orcid.org/0000-0002-9929-1615>
Караматуллаева З.Э. <https://orcid.org/0009-0001-5932-5091>

Самарқанд давлат тиббиёт университети Ўзбекистон, Самарқанд, ст. Амир Темур,
Тел: +99818 66 2330841 E-mail: sammi@sammi.uz

✓ Резюме

Юқумли касалликларга қариши эмлаш, эпидемия жараёнининг хусусиятлари ва ҳозирги босқичда эмлаш хусусиятлари бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда эмлаш орқали бошқариладиган инфекциялар устидан назоратни йўқотиши эҳтимоли мавжуд, бу ҳолат жамоавий иммунитетнинг пасайишига ва дунёда юқумли касалликлар тарқалишининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Айни дамда айрим бошқарилувчи инфекцияларнинг кенг тарқалиши ва бу касалликлар асорати натижасида келиб чиқадиган ўлим ҳолатларининг кўпайиши қайд этилмоқда. Масалан: қизамиқ касаллиги.

Тадқиқот мақсади: Ҳозирги замонда юқумли касалликларнинг олдини олишда эмлаш ҳолатини таҳлил қилиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Юқумли касалликларни эмлашга бағишланган илмий наشرлар таҳлили ўтказилди. Тадқиқот давомида тасвирий ва қиёсий баҳолаш тегишсиз усуллари қўлланилди.

Тадқиқот натижалари: Сўнгги ўн йилликда янги инфекцияларнинг пайдо бўлиши, микроорганизмларнинг дори-дармонларга чидамли шакллариининг пайдо бўлиши, иммун тизим етишмовчилиги билан кечадиган ОИВ билан касалланган беморлар сонининг кўпайиши, эски инфекцияларнинг янгидан бош кўтариши эмлашга бўлган қизиқишни оширади. Эмлашни индивидуаллаштириш долзарб йўналишга айланмоқда-эмлашдан кузатиладиган хавфларни минималлаштириш ва эмлаш тадбири самарадорлигини ошириш мақсадида селектив жадвалларни ишлаб чиқиш, сурункали патологияси бўлган одамлар учун керакли дори-дармонларни танлаш эмлашдан кейинги асоратлар хавфини камайтириш ва эмлаш самарадорлигини ошириш ҳозирги тиббиётнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Тиббиётнинг сезиларли ривожланиши, шунингдек, ҳозирги босқичда юқумли касалликлар олдини олишда самарали вакцина яратиш соҳасида олиб борилган тадқиқотлар вакциналарни яратиш учун янги технологиялар ишлаб чиқиладиганидан далолат беради.

Хулоса: Шундай қилиб, вакциналарни яратиш соҳасидаги ютуқларга қарамай, молекуляр, ҳужайрали биологик ва иммунологиянинг замонавий ютуқларига асосланган вакциналарни яратишининг янги технологиялари яратилмоқда ва "эскилари" янада самарали ва хавфсиз ҳолга келтирилмоқда.

Калит сўзлар: Вакцинопрофилактика, эмлашдан кейинги иммунитет, эмлаш, вакциналар

АНАЛИЗ ВАКЦИНАЦИИ ПРОТИВ ИНФЕКЦИОННЫХ БОЛЕЗНЕЙ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ

Ибрагимова Э.Ф. <https://orcid.org/0000-0002-9929-1615>
Караматуллаева З.Э. <https://orcid.org/0009-0001-5932-5091>

Самаркандский государственный медицинский университет Узбекистан, г.Самарканд,
ул. Амира Темура, Тел: +99818 66 2330841 E-mail: sammi@sammi.uz

✓ Резюме

Одной из актуальных для наших дней проблем здравоохранения остается вакцинопрофилактика инфекционных заболеваний, особенности эпидемического процесса и связанные с этим особенности вакцинации на современном этапе. В настоящее время появилась возможность потери контроля над инфекциями, управляемыми иммунизацией, что может привести к снижению коллективного иммунитета и возникновению вспышек инфекционных заболеваний в мире. В настоящее время наблюдается широкое распространение некоторых контролируемых инфекций и рост смертности от осложнений этих заболеваний. Например: коревая инфекция.

Цель исследования: Анализ современного состояния вакцинации в профилактике инфекционных заболеваний.

Материалы и методы: Проведен анализ научных публикаций, посвященных вакцинопрофилактике инфекционных заболеваний. В ходе исследования использовались описательный и сравнительный методы оценки.

Результаты исследования: В последнее десятилетие появление новых инфекций, возникновение лекарственно-устойчивых форм микроорганизмов, увеличение числа ВИЧ-инфицированных больных с недостаточностью иммунной системы, снижение инфекционной нагрузки повышает интерес к вакцинопрофилактике. Актуальным направлением становится индивидуализация вакцинации – разработка селективных графиков, подбор адекватных препаратов для людей с хроническими патологиями и повышенным риском осложнений с целью минимизации рисков и повышения эффективности мероприятия. Значительное развитие медицины, а также исследования на современном этапе проводимые в области эффективной вакцинопрофилактики говорят о создании новых технологий создания вакцин. Выводы: Таким образом, несмотря на прогресс в области вакцинопрофилактики создаются новые технологии создания вакцин, основанные на современных достижениях молекулярной, клеточной биологии и иммунологии, а «старые» становятся более эффективными и безопасными.

Ключевые слова: вакцинопрофилактика, поствакцинальный иммунитет, вакцинация, вакцины

CURRENT STATE OF VACCINATION AGAINST INFECTIOUS DISEASES ANALYSIS

Ibragimova E.F. <https://orcid.org/0000-0002-9929-1615>
Karamatullaeva Z.E. <https://orcid.org/0009-0001-5932-5091>

Samarkand State Medical University Uzbekistan, Samarkand, st. Amir Temur, Tel: +99818 66 2330841 E-mail: sammi@sammi.uz

✓ Resume

Vaccine prevention of infectious diseases, features of the epidemic process and related features of vaccination at the present stage remain one of the current health problems of our day. There is now a possibility of loss of control of immunization-preventable infections, which could lead to a decrease in herd immunity and outbreaks of infectious diseases around the world. Currently, there is a wide spread of certain controlled infections and an increase in mortality from complications of these diseases. For example: measles infection.

Purpose of the study: Analysis of the current state of vaccination in the prevention of infectious diseases.

Materials and methods: An analysis of scientific publications devoted to vaccine prevention of infectious diseases was carried out. The study used descriptive and comparative evaluation methods.

Research results: In the last decade, new phenomena have emerged related to drug-resistant forms of infections, an increase in the number of HIV-infected patients with a deficient immune system, a decrease in the infectious load, and interest in vaccine prevention has increased. Individualization of vaccination is becoming a current trend - the development of selective schedules, the selection of adequate drugs for people with chronic pathologies and an increased risk of complications in order to minimize risks and increase the effectiveness of the event. Significant

developments in medicine, as well as current research conducted in the field of effective vaccine prevention, indicate that new technologies for creating vaccines are being created.

Conclusions. Thus, despite the progress in the field of vaccine prevention, new technologies for creating vaccines are being created, based on modern advances in molecular, cellular biology and immunology, and the “old” ones are being made more effective and safe.

Key words: vaccine prevention, post-vaccination immunity, vaccination, vaccines

Долзарблиги

Ўпгина юқумли касалликларнинг иммунопрофилактикаси самарадорлиги кўп йиллик жаҳон амалиётида исботланган. Юқумли касалликларга қарши эмлаш юқумли касалликлардан касалланиш ва ўлимни камайтиришнинг асосий усулларида биридир. У инсон ҳаётининг сифати ва давомийлигини яхшилаш учун аҳолида эмлашдан кейинги иммунитетни яратиш мақсадида амалга оширилади. Эмлашдан кейинги иммунитетга фақат болалар популяциясининг камида 95% миллий эмлаш тақвими доирасида эмланган ҳолларда эришилади [1,2,5]. Ривожланган ва кўплаб ривожланаётган мамлакатларда самарали вакциналарнинг мавжудлиги ва болалиқдаги асосий инфекцияларни узоқ муддатли оммавий эмлаш ушбу инфекцияларнинг қайд этилмаслигига олиб келди. Иммунопрофилактика натижасида айрим инфекциялар деярли қайд этилмайди, айрим инфекцияларнинг болалар орасида тарқалиш частотаси жуда кичик кўрсаткичларни ташкил этади. Эришилган эпидемиологик фаровонлик эмлаш тақвимидаги вакциналар билан оммавий эмлашни тўхтатиш учун асос бўла олмайди.

Тадқиқот мақсади: Ҳозирги замонда юқумли касалликларга қарши эмлаш ҳолатини таҳлил қилиш.

Материал ва усуллар

Ҳозирги замонда юқумли касалликларга қарши эмлаш ҳолатини таҳлил қилиш учун юқумли касалликларни эмлашга бағишланган илмий нашрлар таҳлили ўтказилди. Тадқиқот давомида тасвирий ва қиёсий баҳолаш текширув усуллари қўлланилди.

Натижа ва таҳлиллар

Юқумли касалликларга қарши эмлаш бутун аҳоли орасида юқумли касалликларга қарши курашда жуда муҳим функция бўлиб, уни болалиқдан бошлаш керак. Худди шу фикрни ЖССТ мутахассислари ҳам таъкидлашади. Улар тегишли ёшдаги болаларда универсал эмлаш кўплаб юқумли касалликларнинг олдини олишнинг энг яхши усули эканлигини аниқлашди. Вакциналардан оқилонга фойдаланиш қизилча, полиомиелит, кўк йўтал, дифтерия, коқшол, вирусли гепатит В каби инфекцияларни назорат қилиш имконини берди. ЖССТ маълумотларига кўра, юқумли касалликларга эмлаш ҳар йили 4,5 миллионгача болалар ўлимининг олдини олади. 2 асрдан кўпроқ вақт давомида 100 дан ортиқ турли касалликларга қарши курашиш учун 40 га яқин вакциналар яратилди. Бир ёшгача бўлган болалар иммунитетини етарли даражада ривожланмаган бўлса ҳам, болаларни эмлаш ҳаётининг биринчи кунларидан бошлаб эмлаш тақвимида мувофиқ амалга оширилади. Бир ёшгача бўлган болаларни эмлашда турли хил вакциналар қўлланилади: турли даражадаги реактогенлик ва иммуногенлик билан бир хил номдаги вакциналар (тирик, инактив, аралаш, сунъий вакциналар); анатоксин миқдори камайтирилган вакциналар (АДС-М, АД-М — мунтазам ёшга боғлиқ эмлаш учун вакциналар) ёки бактерия хужайралари сони камайтирилган (БЦЖ-М- чала ва етилмай туғилган болаларни эмлаш учун вакцина); катталар ва болаларни эмлаш учун ишлаб чиқарилган бир хил вакцинанинг турли дозалари (гепатит А ва В, грипп ва бошқа вакциналар); турли хил ёрдамчи ва консервантлар билан бойитилган вакциналар; гепатит В каби баъзи инфекцияларга қарши мунтазам ва тезлаштирилган эмлаш режимлари.

Сўнгги ўн йилликларда вакцинологиянинг ютуқлари вакциналар ишлаб чиқариш учун тубдан янги технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ. Биринчи навбатда генетик муҳандислик, айниқса вирусли инфекцияларнинг олдини олиш учун турли технологиялар асосида вакциналар ишлаб чиқарилмоқда. Эмлаш демографик омиллар, аҳолининг генотипик хусусиятлари, табиий-иқлим шароити ва эпидемиологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади [1,5,11].

Эмлаш учун биринчи навбатда табақалаштирилган усул қўлланилиши керак. Бунда қуйидаги хавф гуруҳларида эмлаш ишлари тўғри ташкиллаштирилиши керак:

* Алоҳида хавф остида бўлган болалар гуруҳлари биринчи навбатда эмланиши керак. Буларга чала туғилган ва иммун тизими заифлашган болалар киради;

*Иммун тизим танқислиги кузатилган аҳоли гуруҳлари;

*Ўткир ва сурункали касалликларга чалинган беморлар.

Эмлаш самарадорлигининг мезони эмлашдан кейинги кучли реакциялар ва асоратлар бўлмаса, вакцинага етарли иммунитет реакциясини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Шуни таъкидлаш керакки, эмлашдан кейинги иммунитетнинг ривожланишига нафақат вакцинанинг ўзига хос хусусиятлари, балки эмланганларнинг индивидуал хусусиятлари ҳам таъсир қилади [4,10]:

- генотип томонидан белгиланадиган индивидуал иммунореактивлик;
- умумий аҳоли таркибида юқори реактив (20-20%), ўртача реактив (50-70%), фаол (10%) шахслар мавжуд;

- иммунитет танқислигининг ҳар қандай тури мавжудлиги (бирламчи, иккиламчи, физиологик);
- эмлашга қарши кўрсатмалар мавжудлиги.

Эмлашда муҳим нукта, беморларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва эмлашдан кейин ножўя таъсирларнинг, айниқса оғир таъсирларнинг ривожланишининг олдини олишдир. Бунга эмлаш хоналари ишини тўғри ташкил этиш, эмлаш техникасига риоя қилиш, аҳоли контингентини танлаш орқали эришилади. Эмлашга қарши кўрсатмаларни ҳисобга олган ҳолда, вакциналарни сақлашнинг барча босқичларида вакциналар сифатини назорат қилишни ишлаб чиқиш лозим [9].

Эмлашдан кейинги ва юқумли касалликдан кейинги асоратларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, эмлашдан кейин оғир асоратлар хавфи эмланмаган беморларда тегишли инфекцияларга қараганда анча паст кўрсаткичларни ташкил этади [1,3].

Ҳозирги замонда эмлашнинг олдини олиш вазифалари эпидемик жараённинг бир қатор хусусиятлари билан сезиларли даражада мураккаблашади:

*Аҳолининг вакцинага қарамлигини шакллантириш;

*Янги юқори вирулентли патогенларнинг пайдо бўлиши;

*Бир қатор соматик касалликларнинг пайдо бўлишида микроорганизмларнинг этиологик ролини белгилаш;

*Зооантропонотик инфекциялар, жумладан кутуриш ҳолатларининг кўпайиши.

Кўп йиллар давомида эмлаш орқали муваффақиятли бўлган "эски" ёки "туғатилган" инфекциялар билан касалланишнинг кўпайиши тиббиёт ходимларини ташвишга солмоқда. XX–XXI асрлар охирида кузатилган дифтерия ва полиомиелит эпидемиялари, ҳозирги замонда бир қатор мамлакатларда қизамиқ эпидемиясининг пайдо бўлиши, сил касаллиги билан инфицирланиш ва касалланишнинг кўпайиши ва бошқалар ёрқин мисоллардир [2].

Бунга бир қатор объектив сабаблар сабаб бўлди:

*Ўтиш даври иқтисодиёти кузатилган мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимларининг заифлашиши;

*1980-йилларнинг охирида эмлаш қамрови умумий сонининг камайиши (70% дан кам);

*Аҳоли миграциясининг кўпайиши,

*Минтақавий можаролар;

*Микроорганизмларнинг дори-дармонларга чидамли шакллариининг пайдо бўлиши (айниқса сил касаллигининг қўзғатувчисиди);

*Даволаш-профилактика ташкилотларида полирезистент оппортунистик микроорганизмларнинг тарқалиши;

*ОИВ билан касалланганлар сонининг кўпайиши.

Аммо вақт ўтиши билан эмланган аҳолининг ҳам иммунологик фаоллиги пасаяди, деган фикр бор. Аҳолининг иммунологик фаоллиги пасайишининг тахмин қилинган сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин:

1. Эпидемиялар ва инфекциялар тарқалишининг камайиши;
2. Организмдаги микрофлора айланишининг пасайиши;
3. Антигенларга кучли иммунитет билан жавоб бера оладиган одамлар сонининг камайиши;
4. Дезинфекцияловчи воситалардан кенг фойдаланиш,
5. Антибиотиклар ва бошқа микробларга қарши воситалардан кенг фойдаланиш;
6. Стерил ва тозаланган овқатдан фойдаланиш;
7. Ички ва ташқи муҳитнинг бошқа салбий омиллари таъсири.

Сурункали патологияси бўлган одамларда эмлашдан кейинги иммунитетни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда селектив ва индивидуал эмлаш жадвалларини ишлаб чиқиш, умумий жадвалга мувофиқ эмланган инсонларда эмлаш асоратлари хавфини камайтириш иммунопрофилактиканинг асосий йўналишига айланади [4,9,10].

Замонавий тиббиётда юқумли касалликларнинг иммунопатогенезини ва организмнинг вакциналарга таъсирини ўрганиш учун янги ёндашувлар пайдо бўлди. Аксарият вакциналарнинг асоси инактив микроорганизмлардан иборат. Бундай вакциналар гуморал иммунитетга жавоб беради ва касалликнинг олдини олади. Гуморал иммунитетга сезгир бўлмаган бир қатор патогенлар мавжуд. Бундай ҳолларда ҳужайра иммунитетини рағбатлантирадиган бошқа технологиялар асосида вакциналарни ишлаб чиқиш талаб этилади. Мутахассисларнинг фикрича, вакциналарни ишлаб чиқишдаги илмий янгилик иммунология ва камроқ даражада юқумли агентлар ҳақида янги билимлар пайдо бўлишига олиб келади [6,7,8].

Молекуляр, ҳужайрали биологик ва иммунологиянинг замонавий ютуқлари гуморал ва ҳужайравий иммунитетни фаоллаштирадиган янги вакциналарни яратишга имкон беради. Тиббиётнинг сезиларли ривожланиши, шунингдек, ҳозирги босқичда самарали вакцина профилактикаси соҳасида олиб борилган тадқиқотлар вакциналарни яратиш учун янги технологиялар ишлаб чиқиладиганидан далолат беради.

Хулоса

Шундай қилиб, мавжуд вакциналарнинг юқумли касалликларнинг олдини олиш соҳасидаги ютуқларга қарамай, молекуляр, ҳужайрали биология ва иммунологиянинг замонавий ютуқларига асосланган вакциналарни яратишнинг янги технологиялари яратилмоқда ва "эскилари" янада самарали ва хавфсиз ҳолга келтирилмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Вафокулов С. Х., Рустамова Ш. А., Вафокулова Н. Х. "Кесарча кесиш йўли билан туғилган чакалоқларда антибактериал воситаларнинг ичак микрофлорасига таъсири". Инфекция, иммунитет и фармакология. Спецвыпуск 2022; 5: 58-67.
2. Зверев В.В. Вакцины и вакцинация: национальное руководство / под ред. В.В. Зверева, Р.М. Хаитова. Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2014; 640.
3. Пирогова И.А., Шалдина М.В. Современные представления о пользе и вреде вакцинопрофилактики // Вестник совета молодых учёных и специалистов Челябинской области. 2017; 2(17): 39-42.
4. Медуницын Н.В. Проблемы коррекции иммунитета при вакцинации // Иммунология. 2017; 38(3): 148–154.
5. Муминова Ш., Рустамова Ш., Ярмухамедова Н. Ранняя клинико-лабораторная диагностика гемолитико-уремического синдрома у детей с ОКИ // Журнал проблемы биологии и медицины. 2014; 3(79): 128-129.
6. Мякинкова Л. Л. Современные проблемы, вызовы и перспективные направления в области вакцинологии / Л. Л. Мякинкова, О. В. Букач, А. В. Логунова // Инноватика и экспертиза: научные труды. 2015; 1(14): 96-109.
7. Рустамова Ш.А., Вафокулова Н.Х. "Самарқанд вилоятида эрта ёшдаги болаларда ўткир ичак инфекциялари муаммоларини йиллар кесимида солиштирма таҳлил қилиш // Журнал гепато-гастроэнтерологических исследований. // Ежеквартальный научно-практический журнал 2021; 1(2): 101-104.
8. Рустамова Ш. А., Вафокулова Н. Х. "Самарқанд вилоятида ҳомиладор аёлларда кесарча кесиш амалиёти сабаблари ва янги туғилган чакалоқларда ичак микрофлорасига таъсири" // Biomeditsina va amaliyot jurnali Toshkent 2022; 7(3): 29-36.
9. Харсеева Г.Г., Тюкавкина С.Ю. Основы вакцинологии. Оценка поствакцинального иммунитета (материал для подготовки лекции) // Инфекционные болезни: новости, мнения, обучение. 2020; 9(3): 106-118.
10. Шамшева О.В., Учайкин В.Ф., Медуницын Н.В. Клиническая вакцинология. / Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2016; 576 с.
11. Шодиева Д.А., Рустамова Ш.А., Вафакулов С.Х. Клинические аспекты течения микст форм ротавирусных диарей у детей раннего возраста // Всеукраинский журнал студентов и молодых ученых "ХИСТ", г.Черновцы, 2015; 17:136.

Қабул қилинган сана 20.02.2024